

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ТОИРОВА ДИЛФУЗА ФАЙЗУЛЛАЕВНА**

**XIX АСР ФРАНЦУЗ АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ  
РОМАН ЖАНРИ ТАДРИЖИ  
(ВИКТОР ГЮГО ПРОЗАСИ МИСОЛИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2018 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Тоирова Дилфуза Файзуллаевна**

XIX аср француз адабиётида тарихий роман жанри  
тадрижи (Виктор Гюго прозаси мисолида)..... 3

**Тоирова Дилфуза Файзуллаевна**

Эволюция жанра исторического романа во французской  
литературе XIX века (на примере прозы Виктора Гюго)..... 23

**Toirova Dिल्фуза Fayzullayevna**

The Evolution of Historical Novel Genre in the 19th Century French  
Literature (in the based of Victor Hugo's prose) ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ТОИРОВА ДИЛФУЗА ФАЙЗУЛЛАЕВНА**

**XIX АСР ФРАНЦУЗ АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ  
РОМАН ЖАНРИ ТАДРИЖИ  
(ВИКТОР ГЮГО ПРОЗАСИ МИСОЛИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2018 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017/3.PhD/Fil.305 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз, (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холбеков Муҳаммад Нурқосимович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Лиходзиевский Анатолий Степанович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Исматов Сарвар Файзуллаевич**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Р.А. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

**Г.Ҳ. Боқиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида тарихий роман кўп асрлар давомида тадрижий тарзда ривожланиб келди. Француз адабиётида мазкур жанр даврга қараб ўзгарди ва турли шаклларга кирди. XIX асрнинг 20-йилларида у муҳим ижтимоий вазифани бажаришга хизмат қилди, долзарб сиёсий ҳамда фалсафий маънога эга масалаларни ҳал этишнинг бадиий воситасига айланди. Бу адабиётда янги ҳодиса бўлиб, олдинги давр тарихий романидан шунчалик фарқ қилардики, уни бемалол ўзига хос, даврнинг муайян шарт-шароити ва вазифалари тақозо этган жанр тарзида кўриб чиқиш мумкин. Даврнинг Альфред де Виньи, Оноре де Бальзак, Проспер Мериме, Виктор Гюго каби йирик адиблари ушбу жанрга ўз ижоди билан муносиб ҳисса қўшдилар.

Дунё халқлари маданий ва маънавий мероси асрлар давомида яратилган бўлиб, улар илм-фан, санъат ва маданият соҳасидаги миллий ҳамда умуминсоний меросга, маънавий қадриятларга ҳурмат билан қарашни ўргатади, жаҳон илм-фани ютуқлари, адабиёт дурдоналаридан хабардор бўлиш, уларни давр талаблари асосида ўрганиш ва тадқиқ этиш инсон омилига алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда илмий ва амалий аҳамият касб этади. Бугунги адабиётимиз ривожини жаҳон адабиёти саҳифаларидан ўрин эгаллашида таржимашунослик, қиёсий адабиётшунослик ва адабий алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Бунда, айниқса, XIX аср француз адабиётининг ва фалсафасининг йирик намояндalarидан бири Виктор Гюго ижодий мероси ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилади. Адиб асарлари ўзбек китобхонларига анчадан буён яқиндан таниш бўлганлиги эса, адабий алоқаларнинг тарихий ривожидан далолат беради.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар турли соҳаларда олиб борилмоқда. Юртимиз жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан жой эгаллаб, бошқа мамлакатлар билан турли соҳалардаги муносабатлар изчил ривожланиб, мустақамланиб бораётган бугунги кунда миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ва ҳамкорлик алоқаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ижтимоий соҳани, жумладан, илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидландики<sup>1</sup>, бадиий адабиёт тараққиёти ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги,

---

<sup>1</sup>«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Халқ сўзи. – 2017. – 8 февраль. – №28 (6722). – 1-2 б.

2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакиллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Француз адабиётида романтизм ғояларининг вужудга келиши, жаҳон адабиётида тарихий роман яратиш анъаналарининг француз ижодкорлари асарларида намоён бўлиши билан боғлиқ масалалар ўтган аср ўрталаридан бошлаб адабиётшунослар эътиборини қарата бошлади. Бу борада француз адабиётшунослигида маълум ишлар амалга оширилди<sup>2</sup>.

Айниқса, рус адабиётшунослигида тарихий роман генезиси, бу жанрнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Д.Обломиевскийнинг француз романтизми<sup>3</sup>, Б.Г.Реизовнинг романтизм давридаги француз тарихий романи<sup>4</sup>га доир кузатишлари, ғарбий Европа романтикларининг адабий манифестлари<sup>5</sup>, илк француз романтизми эстетикаси<sup>6</sup>га доир тадқиқотларнинг умумлаштирилиши мазкур йўналишдаги ишларни маълум даражада олға силжитди. Бу даврда яратилган ишларнинг асосий қисмини алоҳида олинган ижодкорларнинг асарлари асосида олиб борилган тадқиқотлар ташкил этади. С.Н.Зенкин ўз илмий ишини Т.Готье ижодини ўрганиш асносида Францияда кейинги романтизм муаммоларини таҳлил этишга бағишлади<sup>7</sup>. И.Г.Золотых эса ўз эътиборини Готье новеллаларини ўрганишга қаратди<sup>8</sup>. Г.А.Калинникова тадқиқотларида француз эътиқодий романчилигига оид қарашлар Ф.Р. Шатобриан ва А. де Мюссе асарлари мисолида баён этилса<sup>9</sup>, Н.С.Трапезникова<sup>10</sup> ва М.С.Трескунов<sup>11</sup> ишларида Жорж Санд романтизми, А. Моруа<sup>12</sup>нинг биографик романида эса адиб ҳаёти ҳақида кизиқарли маълумотлар келтирилган.

<sup>2</sup> Moreau P. Le Romantisme. – Paris, 1968. Études sur le Romantisme de Jean-Pierre Richard. – Paris, 1970. Le Romantisme français de Van Tieghem. – Paris, 1972.

<sup>3</sup>Обломиевский Д. Французский романтизм: Очерки. – М., 1947. – 356 с.

<sup>4</sup>Реизов Б.Г. Французский исторический роман в эпоху романтизма. – М., 1958. – 567 с.

<sup>5</sup> Литературные манифесты западно-европейских романтиков. – М., 1980. – 638 с.; История французской литературы. В 4-х томах. Том 2. – 326-330 с.

<sup>6</sup>Эстетика раннего французского романтизма. – М., 1982. – 480 с.

<sup>7</sup>Зенкин С.Н. Творчество Т. Готье: К проблеме позднего романтизма во Франции: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1986. – 24 с.

<sup>8</sup> Золотых И.Г. Т. Готье-новеллист: Автореф. дис.канд. филол. наук. – М., 1982. – 20 с.

<sup>9</sup>Калинникова Г.А. Французский исповедальный роман. Ф.Р. Шатобриан «Рене» и А. де Мюссе «Исповедь сына века» // Зарубежная литература XIX века. Практикум. – М., 2002. – 175–200 с.

<sup>10</sup>Трапезникова Н.С. Романтизм Ж. Санд. – Казань, 1976. – 98 с.

<sup>11</sup>Трескунов М.С. Жорж Санд. – Л., 1979. – 150 с.

<sup>12</sup> Моруа А. Лелия, или Жизнь Жорж Санд. – М., 1990. – 412 с.

Шунингдек, С.Р.Брахман<sup>13</sup>, М.Трескунов<sup>14</sup>, Е.М.Евнина, А.Моруа<sup>15</sup>, М.В.Толмачёв<sup>16</sup>, Ю.У.Матенова<sup>17</sup>, Н.А.Литвиненко, Б.Г.Реизов, Б.Жачемукова<sup>18</sup>нинг кузатишларида XIX аср француз адабиётида тарихий роман жанри тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Виктор Гюго асарлари кенг таҳлил этилган.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам тарихий роман жанрига бағишланган ишлар мавжуд. И.Султонов, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, Э.Каримов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, С.Мирвалиев, А.Каттабеков, Б.Каримовларнинг тадқиқотларида ўзбек адабиётида тарихий роман жанрининг тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган<sup>19</sup>. Бу тадқиқотларда ўзбек романи тараққиётида ғарб (В.Скотт, О де Бальзак) ва шарқ (Ж.Зайдон) ҳамда рус (Л.Толстой, Ф.Достоевский) романчилиги масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, ўзбек таржимашунослигида М.Н.Холбековнинг номзодлик ва докторлик диссертациясида француз адибларидан Стендаль, Виктор Гюго, П.Мериме, О. де Бальзак, Ги де Мопассан романлари таржималари қиёсий таҳлил этилган<sup>20</sup>. А.А.Қосимов тадқиқотида типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари А.де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди мисолида ўрганилган<sup>21</sup>. У.Қаршибаева ва Р.Ҳ.Шириноваларнинг докторлик диссертацияларида мавзуга оид масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган<sup>22</sup>.

Ғарб адабиёти, хусусан, француз адабиётида тарихий роман жанри ва бунинг ўзбек романи тараққиётига кўрсатган таъсири алоҳида тадқиқот манбаи бўлган эмас.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «Замонавий лингвистика ва

<sup>13</sup> Брахман С.Р. «Отверженные» Виктора Гюго. – М., 1968. –104 с.

<sup>14</sup> Трескунов М. Виктор Гюго. – М., 1968. –162 с.

<sup>15</sup> Моруа А. Олимпико, или Жизнь Виктора Гюго. – Кишинёв, 1982. –246 с.

<sup>16</sup> Толмачёв М.В. Свидетель века Виктор Гюго [электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.philology.ru/literature3/tolmachov-88.htm>.

<sup>17</sup> Матенова Ю.У. Восточные мотивы в лирике Виктора Гюго. Эстетические принципы и художественная практика. Автореф...дис.канд.филол.наук. – Т., 2008. – 15 с.

<sup>18</sup> Литвиненко Н.А. Французский исторический роман первой половины XIX века: Эволюция жанра. – М., 1999. [www.dissecat.com](http://www.dissecat.com) (мурожаат қилинган сана: 18.04.2018); Реизов Б.Г. Французский исторический роман в эпоху романтизма. Л, 1958; Жачемукова Б.М. Художественная специфика жанра исторического романа // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 2: Филология и искусствоведение, 2011. Кибер Ленинка: <https://cyberleninka.ru/article/n/hudozhestvennaya-spetsifika-zhanra-istoricheskogo-romana> (Мурожаат қилинган вақт:18.04.2017) .

<sup>19</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Қўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. – Тошкент: Фан, 1966; Мирвалиев С. Ўзбек романи. –Тошкент: Фан, 1969; Каттабеков А. Художественное воплощение личности и исторической эпохи в современной прозе: Автореф. дисс....докт. филол. наук. –Ташкент, 1985.

<sup>20</sup> Kholbekov M. Victor Hugo poète, romancier et dramaturge // Бадиий матин талқини. Виктор Гюго 200 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. – Самарқанд, 2002.

<sup>21</sup> Қосимов А.А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари (А.де Сент-Экзюпери ва А. Камю ижоди мисолида). – Тошкент, 2007. – 25 б.

<sup>22</sup> Қаршибаева У. Француз романтизм прозасининг поэтик хусусияти. – Т., 2016 –42 б., Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши: Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Т., 2017. – 57 б.

лингводидактиканинг коммуникатив аспекти» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** XIX аср француз романтизм адабиётида тарихий роман жанрининг ўрни ва эволюцион тадрижини аниқлаш, унинг жанр ва услуб хусусиятларини тасниф этиш ҳамда тарихий романлар матни поэтикасидан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарихий роман жанрининг жаҳон адабиётида тутган ўрни, XIX аср француз адабиётида тарихий романларнинг ўзига хос тадрижини Виктор Гюго романлари мисолида ёритиб бериш;

романтизм адабиётида тарихий роман жанри, унинг сюжети ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш;

Виктор Гюго ижодида тарихий роман жанрининг тараққиёт тамойилларини асослаб бериш;

«Исландиялик Ган», «Бюг Жаргал», «Париждаги Биби Марям ибодатхонаси» романларида замон ва макон муштараклигини тадқиқ қилиш;

XIX аср француз романтизм адабиётида тарихий роман жанрининг ўрни ва моҳиятини ёритиб бериш ҳамда хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тарихий роман жанрининг Ғарб адабиётида тутган ўрнини ёритиб бериш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш каби масалаларни ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг объекти** Виктор Гюго қаламига мансуб «Исландиялик Ган», «Бюг Жаргал», «Париждаги Биби Марям ибодатхонаси» романларининг аслият матни ва айрим ўринларда уларнинг рус ва ўзбек тилларидаги таржима нусхалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** тарихий роман жанрининг тадрижий талқини ва поэтик хусусиятларини Виктор Гюго романлари мисолида тадқиқ этишни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мавзуни ёритишда тарихий-қийосий, систем-структур, таснифлаш, тавсифлаш, культурологик ҳамда лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

романтизм тараққиёти немис адабиётида эртақлар воситасида, инглиз адабиётида инқилобий ҳаракат билан боғлиқ равишда, Америка адабиётида саргузашт жанрдаги романлар орқали намоён бўлганлиги асосланган;

XIX аср француз адабиётида тарихий роман жанри тадрижи Виктор Гюго романлари тараққиёт тамойиллари асосида таснифлаб берилган;

француз тарихий роман жанрининг шаклланишида инглиз адиби В.Скотт асарларидаги воқеа-ҳодиса ифодаси, пейзаж тасвири Виктор Гюго тарихий романларига асос бўлганлиги исботланган;

XIX аср француз адабиётида тарихий роман жанри йўналиши «Исландиялик Ган», «Бюг Жаргал», «Париждаги Биби Марям ибодатхонаси» романлари тарихий роман жанрига асос солганлиги ёритиб берилган;

инсон руҳияти ва унинг табиат воқеа-ҳодисаларига мос ҳолда ривожланиши асар мазмун-моҳиятига сингдирилган макон ва замон уйғунлиги,



контраст тушунчалар ифодаси, образларнинг кўриниши бадиий адабиётнинг эстетик категориялари билан боғлиқлиги ва маънавий тараққиётдаги муҳим ўрни аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** тарихий роман жанри, унинг француз адабиёти, хусусан, Виктор Гюго романлари мисолида кузатиладиган тадрижи юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

Виктор Гюго тарихий романларининг бадиий хусусиятлари ўзига хослиги, фалсафий-эстетик жиҳатлари, макон ва замон ҳақидаги бадиий талқинлари, адабиётшуносликда мазкур масала тадқиқини чуқурроқ ўрганишга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, ишда муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг белгиланган вазифаларни ҳал қилишнинг апробацияланган усуллари асосида систем-структур, таснифлаш, тавсифлаш каби методлар воситасида асослангани, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижаларнинг ўзаро мувофиқлиги билан ҳам белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини тадқиқот давомида чиқарилган назарий хулосаларнинг ҳозирги кунда адабиётшунослик илмида долзарб ҳисобланган тарихий роман жанрида мавжуд бўлган маълумотларни кенгайтиришда ва тўлдиришда муҳим аҳамият касб этишини кўриш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тарихий роман тадрижи масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим амалий маълумотлар беради. Шунингдек, тадқиқот тарихий роман муаммосининг ўрнини аниқлашга хизмат қилади ҳамда ундан адабиётшунослик ва таржимашунослик илми билан шуғулланувчи мутахассисларнинг амалий ва илмий изланишларида фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX аср француз адабиёти тарихий роман жанри тадрижи (Виктор Гюго прозаси мисолида) илмий тадқиқот билан боғлиқ илмий натижалар асосида:

XIX аср француз адабиётида тарихий роман жанрининг тадрижини, ўзига хос хусусиятлари, унинг ўзбек тарихий романлари билан муштарак қирраларини ўрганиш юзасидан В.Гюго ижоди бўйича амалга оширилган таҳлил натижаларидан Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарку Ғарб адабий анъаналари синтези» фундаментал лойиҳасининг бажарилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 апрелдаги 89-03-1270-сон маълумотномаси). Натижада, жаҳон адабиётида роман турлари бадиий тараққиётида Шарку Ғарб адабий анъаналарининг ўзаро таъсири ва муштараклигини асослаш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган;

матнларни ўрганиш ва қайта ҳикоя қилиб бериш бўйича тавсиялардан чет тилини эгаллашнинг компетенциялари асосида ундаш категориясининг миллий-маданий хусусиятлари, техника йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган А-1-057 рақамли «Олий таълим муассасалари талабаларини

модулли ўқитишда педагогларни компетентли тайёрлашнинг психологик-педагогик асослари» мавзусидаги амалий тадқиқотда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 апрелдаги 89-03-1270-сон маълумотномаси). Натижада, адабий алоқалар ҳамда чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бугунги кунда тадқиқот материаллар таълим сифатини оширишга хизмат қилган;

ёш авлодни умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш билан боғлиқ натижалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги «Садоқат» ижодий семинарида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 30 мартдаги №01-03/295-сон маълумотномаси). Натижада, семинар аъзолари – ёш ижодкорларнинг бадиий тафаккурини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 халқаро ва 16 та республика илмий-анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан 20 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларида 4 та жумладан, 14 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда, шунингдек 2 таси турли ОТМлари илмий мақолалар тўпламларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 163 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**XIX аср француз адабиётида тарихий роман муаммоси**» деб номланган биринчи бобида кўриб ўтилганидек, XVII аср Фарбий Европа адабиёти реализм, классицизм ва барокко номи билан аталувчи уч асосий адабий йўналишни ўз ичига олади. Реализм Уйғониш даври гуманистик ёзувчиларнинг традицияларини давом эттиради. Бу адабий йўналишининг вакилларида бири бўлган Лопе де Вега ўз комедияларида барокко ёзувчиларининг пессимистик кайфиятларига хушчакчақ ҳаётни қарши қўяди: Шарл Сорел ҳам «Франсионанинг ҳаққоний ва кулгили ҳаёт тасвири» романида, дунёвий қувончларни куйлайди.

Жаҳон адабиётида романтизм ғоялари турли кўринишда бадиий ижодга кириб келди. Германияда романтиклар асарларида тараққийпарварлик ғоялари

эртақлар сюжети асосига қурилганлигини илгари суришди. Ф.Гельдерлин, А.Шамиссо, А.Гофман, ака-ука Гриммлар ижоди мисолида кўриш мумкин.

Инглиз адабиётида романтизм ғояларининг шаклланиши бевосита Европа инқилобий ҳаракати билан боғлиқ равишда романтизм уч хил оқимга бўлинган. Англия романтикларини кескин равишда, мутлақо реакцион ёки инқилобий деган тамға остига олиб бўлмайди. Масалан, «Кўл мактаби» вакиллари бўлган «Лейкистлар» деб ном олган Вордсворт, Колриж ва Саути каби ёзувчиларни бутунлай реакцион романтиклар дейиш ҳам тўғри эмас. Шунингдек, Англия романтикларини ҳам бирмунча тараққийпарварлик мавқеида туриб ижод қилганлар. Шу тариқа инглиз романтизми ўзига хос миллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Америка адабиётида Вашингтон Ирвинг, Фенимор Куперлар романтик адабиёт тараққиётига сезиларли даражада ҳисса қўшдилар. Айниқса, Америка адабиётида тарихий романлар яратишда Ф.Купер романларининг мавзу кўламини жамиятдаги адолатсизликка қарши кураш, мамлакатлар тарихи, бошқарувчи синф манфаатларига хизмат қилувчи қонун-қоидаларнинг шаклланиши ва такомиллашиб бориши, ижтимоий тузумнинг жирканч ва кулгили эканлигининг танқид остига олиниши каби мавзулар қамраб олган. Француз адабиётида романтизм йўналишида ижод қилган Ж.Санд, В.Гюголар ҳам ўз ғояларини давр руҳига боғлаб талқин қилдилар. Бунда француз адабий муҳити тараққиётига кескин таъсир қилган инқилоб билан боғлиқ дунёқараш уларнинг ижодий услубини белгилаб берди. Бу даврда адабиёт сахнасига шиддат билан кириб келган Ф.Р. де Шатобриан, А. де Ламартин, А. де Виньи, А. де Мюссе, Ш. Бодлер, Ж.Санд, В. Гюго каби француз романтикларини ўз асарларида романтизм ғояларини тарғиб қилдилар. Уларнинг давр ижтимоий ҳаётидаги камчиликларини, маънавий кемтикликни даволашда шу йўналишдаги адабиётда халқ маънавий ва маданий дунёқарашини учун намуна сифатида ўз асарларида идеал характерлар яратишга, шу орқали кенг омма тафаккурига таъсир ўтказишга интилдилар.

Наполеонга бўйсундирилган Европа борган сари сиёсий, ижтимоий, иқтисодий инқирозга яқинлашарди. Франция халқи қирғин келтирадиган урушлардан азият чекарди, Испанияда халқ уруши аланга олди. Буюк Француз инқилоби шиорларидан руҳланган Италия ўз Рисорджименто (итал. *Risorgimento*-уйғониш даври, янгиланиш)га ҳозирлик кўриб ётган эди<sup>23</sup>. Тарқоқ ҳолда ётган Германия бўйлаб қарши кураш ҳаракати учқунлари ёйилди.

Европа яна бир неча қонли урушларни, яқин келажакда содир бўладиган шонли ғалабаларни бошидан кечириши кутилаётганди. 1812 йил Ватан урушида рус армияси қатор мағлубиятлардан сўнг, ортга чекиниб, Москвани душман кўлига топшириб, Наполеон қўшинларини қириб ташлайди.

Наполеон армияси енгилмаслиги ҳақидаги афсоналарнинг қуруқ сафсата эканлигини исботлайди ва энг муҳими, Европа халқларини Франция империяси билан курашга чорлайди.

<sup>23</sup>Franco Valsecchi. *L'Italia del Risorgimento e l'Europa della nozionalità*. – Roma, 1978.

Европа халқларининг кўз ўнгида эски дунё завол топиб, янги, асрлар давомида шаклланиб келган тартиб-қоидаларни рад этувчи дунё юзага келди. Тўрт йил ичида Же-де-пом қасамёдидан то Термидор тўнтаришигача йўл босиб ўтган Инқилоб ҳам, бир-бирини алмаштирган конституция ва ҳукуматлар ҳам, Франция империясининг мислсиз доврўғи ва шукуҳи ҳам, ундан кейинги мисли кўрилмаган ҳалокат ва талофатлар, узок вақт мобайнида француз халқининг онгини заҳарлаган «буюк шон-шараф»дан кейин миллатнинг камситилиши, хўрланиши – буларнинг ҳаммаси теран тарихий мулоҳазаларга чорлаши лозим эди. Янги «тарихий ҳис-туйғу» пайдо бўлишини ушбу жиддий ва ибратли, яъни ўйламасдан қилинган иш нималарга олиб келишига ўргатадиган воқеа-ҳодисалар билан боғлашга интилган шоир ва ёзувчиларга айнан шундай кўринган эди. Аслида эса бундай эмасди. Тарихни романтизм нуқтаи назаридан тушуниш ва тасвирлаш услубини Европа, биринчи навбатда, Франция ҳаётида бўлиб ўтган улкан ўзгаришлар ва ҳодисалар эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг вазифалари юзага чиқарди. Тарихни романтизм нуқтаи назаридан тушунилган ва ишлаб чиқилган фалсафа бетараф кузатув эмас, балки ижтимоий ҳаётга фаол аралашув эди. Француз адабиёти, тарихи ва фалсафасида янги нуқтаи назарлар, юқорида айтиб ўтилганидек, муросасиз ғоявий ва мафкуравий кураш учун имконият очилмаганидан сўнг пайдо бўлди. Улар баҳс ва мунозараларга тўла адабиётда, даврий матбуотда, ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг у ёки бу дастурини тақдим этган, кун тартибидаги долзарб муаммоларини тушуниб олиш ва ҳал қилишга интилган, кўпроқ мурожаатномага ўхшаган мақола ва рисоаларда шаклланди<sup>24</sup>.

Абсолют монархиянинг ёқловчилари, мустабид ҳокимият тарафдорлари ижтимоий тараққиётни тан олмаган ҳолда эски тузумга қайтишга даъват қилдилар. Тарихий тараққиёт қонунини улар ҳаракатсиз ва ўзгармас қонун, деб тушунар эдилар; монархияни абадулабад ўрнатилган тузум, Француз инқилобини эса тасодикий ҳол, олдиндан белгиланган тартиб-қонунларни бузган ёвуз куч, деб қабул қилдилар. Уларнинг наздида инқилобни тарихдан ўчириб ташлаш, изини йўқотиш олдинги қонунларни қайта тиклаш билан баробар эди. Реставрация (*L'âge de Restauration*) даврида ижод қилган «аксил инқилобчи ва жаҳолатпараст файласуф ва маърифатпарвар ёзувчи»лар учун рационализм тамойиллари негизида ишлаб чиқилган ижтимоий тузумнинг идеали ягона қонунга айланди. Ушбу идеални, яъни шубҳага ўрин қолдирмайдиган, мукамал намунасини улар антик давр ёхуд Англия конституцияси йўсинида ишлаб чиқилган сон-саноксиз конституциялар орасида топмоққа шай эдилар. Ҳаттоки, реал тарих ҳам улар учун меъёрдан тасодифан оғиш, белгиланган йўлдан четга чиқиш, «инсон ақл-идроки» йўлида турган тўсиқ бўлиб кўринарди. Француз инқилобини тарихий тараққиётнинг қонуний натижаси деб қабул қилган ўз даврининг илғор файласуф ва маърифатчилари катта машаққатлар эвазига тарихнинг янги фалсафасини яратиб, уни ҳаётга татбиқ қилишга ҳаракат қилдилар.

<sup>24</sup> Estève E. Etudes de littérature pré-romantique. – Paris, 1923. – P. 92-93.

Даврнинг асосий муаммоси шунда эдики, тарихий тараққиётнинг ушбу қонуниятини тўлароқ намоён қилиш, замоннинг тараққийпарвар маъносини англаб, кейинги даврлар учун асосий йўл сифатида кўрсатиш лозим эди. Бунинг учун ушбу қонуниятнинг ўзига хослигини, даврнинг илғор тафаккури, моддий ва маданий кадриятлар сиру-синоатини тушуниш, уни «жонлантириш» керак эди. Илғор файласуф ва маърифатчилар даврни олдинга етаклаган кучлар оғушида қарор топиш, камолотга интилиш жараёнида тасвирлаш, эркинлик ва демократия учун кураш зарурати намоён бўлади. Тарихда ўз номини қолдирган тараққийпарвар илғор ижодкор, биринчи навбатда, файласуф ва ёзувчилар, тарихнинг ижтимоий ва маънавий маъносини теран англаган ҳолда, уни илм-фан сифатида юксакка кўтардилар<sup>25</sup>.

Ижтимоий, фалсафий ва адабий қарашлари билан бир-биридан кескин фарқ қилган француз файласуф, тарихчи, мунаққид ва романнавислари либерализм ғояларини тарғиб қилган муҳолифат тарафдорлари эди. Шу боисдан, уларнинг барчаси 20-йилларда ижтимоий муносабатларнинг моҳиятини очиб берган буржуа либерализмининг доирасидан чиқиб кетолмадилар.

Реставрация даврида айнан тарих ижтимоий кураш майдонига айланди, янада аниқроқ қилиб айтганда, муросасиз кураш олиб борган файласуф, тарихчи, мунаққид ва романнавислар ўз қарашларини ифода этиш мақсадида узоқ ва яқин ўтмишдан далил ва исботлар олишган. Феодал ўтмишни қайта тиклашга интилганлар ҳам, демократик келажакни куришга ҳаракат қилганлар ҳам айнан тарихга назар ташлаганлар. Шубҳасиз, XIX аср бошида француз романтизмнинг ўзига хос хусусиятларидан, асосий жанрларидан бири айнан тарихий роман эди.

Диссертациянинг **«Виктор Гюгонинг илк тарихий романларида классицизм ва романтизмнинг уйғун тасвири»** деб номланган иккинчи бобида таъкидланганидек, 1833 йилда «Исландиялик Ган»ни қайта чоп этганда Гюго унга янги «сўз боши» ёзиш кераклигини билдиради.

1833 йилги «сўз боши» танқидчиларнинг ҳужумига жавоб бўлиши ва ўн йиллик асарни қайта оқлаши керак эди. Гюгога 1833 йилда бу романдаги кўп нарсалар болаларча, охиригача ўйлаб, тўлиқ ёзилмагандек туюларди. «Исландиялик Ган» романи фақатгина ўзининг тажрибалари ва кузатишлари асосида яратилган бўлиб – бу икки ёшнинг севгиси ҳақида эди. Қолгани эса – «охиригача етказилмаган уйдирмалар». Бу эса уни «фантастик» роман деб аташга асос бўлади. Ушбу йилларда «фантастик» жанр урфга кираётган давр эди. 20-йилларнинг тарихий романларида, албатта, «Париждаги Биби Марям ибодатхонаси» ўзида кўп тарихий меҳнат ва билимларни қамраб олди. Маҳаллий уйғунлик жиҳатидан «Исландиялик Ган»дан кўра бойроқ ва қизиқарлироқ эди. Лекин шунга қарамай, бу роман устида ишлаётган Гюго тасвирлаётган ўлкани ва даврни етарли даражада ўрганиб чиқди.

<sup>25</sup> Guizo F. Cours d'histoire moderne. Histoire de la civilization en France Tome IV. – Paris, 1830. – P. 29-31.

«Бюг Жаргаль» (1832) романининг «сўз боши»да Гюго «Исландиялик Ган» 1820 йилда ёзилганлигини маълум қилади. «Исландиялик Ган» (1823) асарнинг ўзида роман 1821 йилда ёзилган деб таъкидлайди. Гюгонинг бўлажак қайнотасига ёзган хатидан маълум бўлади: «Вальтер Скотт руҳида ёзилган асар 1821 йилда ўйланган эди». «Victor Hugo raconté» хатидан маълум бўлишича, маълумот ўтган замон шаклида айтилади: роман устида иш 1821 йилнинг май ойида бошланган ва онасининг ўлими сабабли (27 июнда) тўхтатилган эди. Кейин Гюго «Қасидалар»ни биринчи нашрга тайёрлади, бу эса кўп меҳнат талаб қилди.

«Қасида ва турли шеърлар»и («Odes et poésies diverses») 1822 йил июнь ойининг бошида пайдо бўлди, «Исландиялик Ган» устида иш июнь ойида бошланиб, 1823 йилнинг январь ойигача давом этади. Роман 1823 йилнинг февраль ойида нашрдан чиқди.

Романнинг сюжети тарихий воқеалар асосига қурилган бўлиб, деталлари ўша даврга тегишли бўлган аниқлик билан тасвирланган. «Исландиялик Ган» фантастик асар жанри ва характери билан бир вақтда тарихий асар ҳамдир. 20-йиллар учун типик ўша даврдаги саргузаштлар ва «қора» роман тарихий мавзуга тўла бўлган ва тарихий романга айланган.

Гюго «Вальтер Скотт» руҳиятидаги ушбу романни ёзишда Францияда унчалик таниқли бўлмаган, экзотик Норвегияга мурожаат қилади. 1824 йилда Дювинке Скандинавия ва Европа ўртасида ҳеч қандай умумий боғлиқлик йўқ, деб таъкидлаганидек, бу қадимий тарих замонвий европаликларни қизиқтирмаслиги мумкин, аммо Америка Европанинг колонияси бўлганлиги сабаб уларга қизиқиш уйғотади:

*«Que le lecture ne s'étonne pas si nous rencontrons souvent des ruines à la cime des monts de Norvège. Quiconque a parcouru des montagnes en Europe n'aura pas manqué de remarquer fréquemment des restes de forts et de châteaux, suspendus à la crête des pics les plus élevés, comme d'anciens nids de vautours ou des aires d'aigles morts.....»<sup>26</sup>.*

Охирги ярим аср давомида Францияда ушбу тарихий ва кам танилган ўлкага, ҳатто, унинг адабиётига қизиқиш жуда ортган эди<sup>27</sup>. «Жанубий» адабиётга қарама-қарши қўйилган «шимолий» адабиёт узоқ вақтлар романтик адабиёт деб ҳисобланган ва ўзига хос хусусиятлари билан классик адабиётда мужассамлашган эди. Шунини айтиш керакки, бошқа цивилизация ва унинг маданиятига қизиқиш анъанавий француз национализмини тўлдиради ва бойитади. Бу тараққиёт ва маданият, хусусан, скандинавларнинг шеърлиги ва урф-одатларига бўлган қизиқиш анъанавий француз тафаккурини (рационализм) тўлдириб, бойита оларди.

Албатта, тарихий воқеа, халқнинг унга бўлган муносабатини халқнинг баҳосини эътиборга олмас, тарихий воқеанинг аҳамиятини тушуниб бўлмайди.

<sup>26</sup> «Han d'Islande». -p. 179-180.

<sup>27</sup> T.L. Bec k. Northern antiquities in French learning and literature. 1755-1855. A study in pre-romantic ideas, T. II, 1935 (T. II., T. I, XVIII в.).

Бу борада «ижтимоий фикрга» бўлган қизиқиш чақириққа ва турли ижтимоий оралиқлар, воқеалар атрофида пайдо бўлаётган афсона ва ривоятлар «ҳақиқатгўй» ва тарихий нуқтаи назаридан кўрсатилган<sup>28</sup>.

Тарих бу турли, ҳатто, қарама – қарши акс этирилган воқеалар, турли соҳалардаги ва ижтимоий бўлинган онгларида ва ахлоқнинг мақсадга мувофиқлиги, ҳодисалар баёнининг ақлга сиғмайдиған тарзда босилиши чалкаш ва кутилмаган ҳолда содир бўлади. Воқеаларнинг муаммоли ҳаракатлари қанчалик мураккаб бўлса, улар шунчалик ҳайратда қолдирадиган маъно касб этади. Бу ерда боғлиқ бўлган улкан воқеа ва унда ажралиб турадиган «Исландиялик Ган» романи. Воқеа деярли узлуксиз. Романнинг ҳар бир боби, янги воқеа ҳақида хабар беради. Романда ташқи дунёни тасвирлаш қиёсий даражада психологик таҳлил унчалик кўп эмас. Деярли инкор этилган ва изоҳловчи боблар Вальтер Скоттда йўқ. Бир неча сўз билан қисқа сатрларда Шумахернинг тарихи берилган, аммо даврнинг тасвири умуман йўқ: у муаллифга керак эмас, чунки керакли маълумотларни китобхон романнинг ўзидан топа олади.

1820 йилнинг май-июнь ойлари Гюго ўзининг қиссасини «Conservateur littéraire» журналида «Бюг Жаргал» номи билан чоп эттирган эди. Қисса ҳажми кичик. Француз ҳарбийларининг Мисрда Кичик Осиё ва Испаниядаги саргузаштлари ҳақида кўп ёзарди. Француз офицерининг экзотик мамлакатда Сан–Доминго оролида, даврида биринчи асар «Бюг Жаргал» ҳикояси эди:

*«Le drame de l'Insurrection de Saint-Domingue est assez compliqué, et quelques notes prises par Etienne après la lecture aident seules sa mémoire. En voici la donnée principale qui pourra faire entrevoir quels en sont les développements...»<sup>29</sup>.*

Реставрация даврининг бошланишларида муҳим муаммо куллиққа қарши жанг эди, шунинг учун қатор қонунлар чиқарилиб, улар халқаро мазмунга эга бўлди. Бу муаммога оид кўпгина публицистик ва бадиий асарлар қул сотувчи ва куллиқни бартараф этишга бағишланган эди. Европа ғоясини демократик такомиллаштириш ҳамда умумий ҳолда қул сотувчи ва куллиқни бартараф қилишда ҳам анча рол ўйнади. Мерсье ва мадам де Стальдан бошлаб, ўттизинчи йилларда романтикларга қадар, ўнлаб публицистлар, шоирлар, прозаиклар ҳукуматни одам савдосини таъқиқлашга чақирар эди. Гюго 1818 йилда ўзининг қиссасида Ш.Дюнуайе қонун лойиҳасини тақиқлашга оид ҳаракатларни кўрсатиб ўтади, қул савдосига ўзининг кенг мақоласини бағишлади. Дальмасанинг «Сан-Доминго революциясининг тарихи» пайдо бўлди, 1819 йилда генерал Лакруа китобида Сан-Доминго инқилоби тарихи ҳақида гапирилиб ўтилади. «Бюг Жаргал»нинг иккинчи таҳрири учун Гюго Лакруа китобидан шубҳасиз фойдаланган эди.

Диссертациянинг «**Париждаги Биби Марям ибодатхонаси» романида макон ва замон муаммоси**» деб номланган учинчи бобида кўриб ўтилганидек, 1829 йилда ҳамма учун жиддий воқеалар тайёрланаётганлиги маълум эди.

<sup>28</sup> Литвиненко Н.А Французский исторический роман первой половины XIX века: Эволюция жанра. – М., 1999. [www.dissecat.com](http://www.dissecat.com) (мурожаат қилинган сана: 18.04.2018).

<sup>29</sup>Е.-J. Delécluze. Souvenirs de soixante années, 1862.-P. 268-270.

Саройга очик ён босиб, обрўсизланиб қолган Мартиньяк лавозимидан четлатилганлиги ва ашаддий ульрареалист Полиньякнинг бош вазир этиб тайинланганлиги ҳукумат давлат тўнтаришига тайёрлаётганлигидан далолат берарди. Сиёсий мунозаралар давр, тарихий исботлар, музокаралар ва сиёсий масалаларнинг тинч йўл билан ҳал этиш даври тугади. Давлат тўнтаришини кутаётган эдилар ва очик қаршилик кўрсатишга тайёрландилар. 1823 йили «очик қаршиликка» ишонмаган Тьер, 1829 йилда Полиньякни тайинланганини эшитиб, инқилобдан қочиб бўлмади деган қарорга келди. Қари либераллар ва ҳатто, ўртача роялистлар Бурбонларнинг тез орада ўлим топишини башорат қилдилар. Қаршилик кўрсатишни ташкил этиш ва кучларнинг ўрнатилишини кимга умид қилиш мумкинлигини, бугунги Франция қандайлигини, жангни ўзига қабул қиладиган ва эски давлатчилик формаларини ташлайдиган янги Францияни билиш керак эди. Фикр юритиш вақти ўтди, ҳаракат қилиш вақти келди. Жамиятнинг қизиқишлари тарихдан замонавийликка ўтди.

Июль инқилоби адабиётни тарихдан замонавийликка кескин буриб юборди. Тарихий мавзу ҳали сахнада ҳукмронлик суради ва кўплаб тарихий романлар чоп этилади. Аммо илғор адабиётнинг марказий қизиқишлари замонавий Франциянинг социал муаммолари оғушида тезда сингиб кетади. Даврнинг йирик ёзувчилари бугунги куннинг ҳақиқий ҳолатини ўрганишга муурожаат қиладилар.

Даврнинг энг ажойиб тарихий романи «Париждаги Биби Марям ибодатхонаси» Июль инқилобидан бир неча ойдан сўнг пайдо бўлди, бу вақтда ҳали «июль» тахти таъсири мавжуд эди<sup>30</sup>.

Ўзининг романини архитектура ёдгорлиги номи билан атар экан, Гюго бу борада мутлоқ оригиналликка эришган деб бўлмади. Готика услубидаги роман аллақачон бундай номдаги асарларни анъанага айлантирган: Горацио Уолполонинг «Отранто Қасри», Анна Редклифнинг «Удолф саройи сирлари», Валтер Скоттнинг «Вудсток» ва «Кениль-ворт» ҳамда бошқа асарларда муаллифлар ҳар хил режалар ва мақсадларда феодал даврда ўрта аср иншоотларида содир бўладиган сирли ва қўрқинчли воқеалар ҳақида ҳикоя қиладилар. У ёки бу романда қаср ўзи ҳимоя қиладиган жамиятнинг тимсоли сифатида даврни таърифлаб келади. «Париждаги Биби Марям ибодатхонаси» да иншоотнинг тарихий-фалсафий маъноси янада каттароқ теранлик касб қилади:

*«Sans doute, c'est encore aujourd'hui un majestueux et sublime édifice que l'église de Notre-Dame de Paris. Et d'abord, pour ne citer que quelques exemples capitaux, il est, à coup sûr, peu de plus belles pages architecturales que cette façade où, successivement et à la fois, les trois portails creusés en ogive, le cordon brodé et*

---

<sup>30</sup> Реизов Б.Г. Французский исторический роман в эпоху романтизма. - Л, 1958; Жачемукова Б.М. Художественная специфика жанра исторического романа // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 2:Филология и искусствоведение, 2011. Кибер Ленинка: <https://cyberleninka.ru/article/n/hudozhestvennaya-spetsifika-zhanra-istoricheskogo-romana> (Муурожаат қилинган вақт: 18.04.2017).



*dentelé des vingt-huit niches royales, l'immense rosace centrale flanquée de ses deux fenêtres.....»<sup>31</sup>.*

В.Гюго инқилобга завқ билан эътибор қаратиб, сиёсий, тарихий ва ахлоқий ғоялар билан оқлаб чиқди. У «Шонли уч кун»ни ва инқилоб жангчиларини муаллифдан узоқ фикрлаш талаб қилмайдиган «Ёш Францияга қасида» шеърида олқишлади. 1830 йилда Гюго тайёрланиб келди. Унинг эски монархизми аллақачон тебратилди, бонапартизм ва республиканизм кабиларга ўрнини осонгина бўшатди, чунки либерал буржуазия кўзида Наполеон, тарихий ҳақиқатга зид равишда «инқилоб ҳимоячиси» чизилган эди. Ҳақиқатан ҳам, ўша ғояларда у ўзининг асарларини эскирган жанрда ёзишга Гюгони илҳомлантирар ва ўткир формали шеърий ижодни орзу қилар эди.

«Париждаги Биби Марям ибодатхонаси» романига Гюго ўз хоҳиши билан киришмаган.

